



O'zbekiston Respublikasi Sirdaryo viloyati Hokimi

QAROR

"21" fevral 2013 y.

54 -son

Guliston sh.

Сирдарё вилояти ҳокимининг 2012 йил 13 декабрдаги 363-сонли ва Оқолтин тумани ҳокимининг 2012 йил 20 ноябрдаги 762-сонли қарорларини бекор қилиш тўғрисида

“Кўкон нефтгаз пармалаш ишлари” ОАЖ нинг вилоят ҳокимига ёзган 2013 йил 28 январдаги 194-сонли хатини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 5 ва 36-моддаларига асосланиб, қарор қиламан:

1. “Кўкон нефтгаз пармалаш ишлари” ОАЖ нинг вилоят ҳокимига ёзган 2013 йил 28 январдаги “Нефть ва газ қудуғи қурилиши учун ажратилган ерни қайтариш тўғрисида”ги 194-сонли хати инобатга олинсин.
2. Вилоят ҳокимининг 2012 йил 13 декабрдаги 363-сонли қарори билан “Кўкон нефтгаз пармалаш ишлари” ОАЖ га вақтинчалик 1 йил муддатга фойдаланиш учун ажратилган 4,2 гектар суғориладиган экин ер майдони Оқолтин тумани Укубоев СИУ даги “Фаридбек Азизбек Барака” фермер хўжалигига қайтариб топширилсин.
3. Вилоят ҳокимининг 2012 йил 13 декабрдаги “Оқолтин тумани ҳокимининг 2012 йил 20 ноябрдаги “Кўкон нефтгаз пармалаш ишлари” ОАЖ га, тумандаги Укубоев СИУ ҳудудида фаолият юритаётган “Фаридбек Азизбек Барака” фермер хўжалигига ижарага берилган ерлардан “Сардоба майдонида 1-сон нефт ва газ излов қудуғи” қурилиши учун вақтинчалик фойдаланишга ер ажратиш тўғрисида”ги 762-сонли қарорини тасдиқлаш ҳақида”ги 363-сонли ва Оқолтин тумани ҳокимининг 2012 йил 20 ноябрдаги “Кўкон нефтгаз пармалаш ишлари” ОАЖ га, тумандаги Укубоев СИУ ҳудудида фаолият юритаётган “Фаридбек Азизбек Барака” фермер хўжалигига ижарага берилган ерлардан “Сардоба майдонида 1-сон нефт ва газ излов қудуғи” қурилиши учун вақтинчалик фойдаланишга ер ажратиш тўғрисида”ги 762-сонли қарорлари бекор қилинсин.
4. Оқолтин тумани ҳокими Т.Худойбердиевга мазкур қарор қабул қилиниши муносабати билан қайтариб топширилаётган 4,2 гектар экин ер майдонига 2013 йил ҳосили учун қишлоқ хўжалик экинларини жойлаштириш вазифаси топширилсин.
5. Мазкур қарорни бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Д.Фозилов зиммасига юклатилсин.

Вилоят ҳокими

О.Ашурматов